

**АЛЛА** — болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган кўшик. Узбек, уйгур ва тожик халклари орасида алла номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни асосан тўртлик, ижро услуби эркин, бадихага асосланган. Аллада онанинг болага бўлган меҳр-мухаббати, яхши ният ва тилаклари билан бирга рухий кечинмалари ҳам ифодаланади. Шу боис баъзи алла намуналари йиги охангида куйланади. Тахминларга кўра, алла атамаси «Аллох» сўзидан келиб чикиб, бундай кўшиқда Яратгандан чакалокни ўз панохида асраш илтижо килинади. Аллалар асосан халк огзаки ижоди ма<sup>^</sup>сули саналади. Аммо XX асрнинг ўрталарида ушбу жанрга мурожаат килувчи шоирлар сони кўпайиб, алланинг жанр сифатида шаклланишини таъминлашди. Жанр такомилида Ойбек, Саида Зуннунова, Собир Абдулла, Шукрулло, Пўлат Мўмин, Мирмухсин, Туроб Тўла сингари шоирларнинг хизмати катта бўлди.